

кредитнинг тўлиқ қиймати  
йиллик

(\_\_\_\_\_ —) %

Истеъмол кредитини тақдим этиш бўйича  
Шартнома № 20 —

ши.

20 \_\_\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Куйида “Банк” деб аталаувчи «InfinBank» АЖ \_\_\_\_\_  
асосида фаолият юритувчи (Лавозими) \_\_\_\_\_  
(ФИО) \_\_\_\_\_ шахсида, бир томондан, ва қуйида “Қарз олувчи”  
деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси  
(ФИО) \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ томонидан  
(паспорт \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_) томонидан берилган), иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

### I. Шартнома предмети

- 1.1. Банк Қарз олувчига мазкур Шартномада кўзда тутилган шартларда ўз эҳтиёжлари учун ни тўлашга  
истеъмол кредитини тақдим этиш мажбуриятини олади.  
1.2. Кредитнинг тўлиқ қиймати миқдори: йиллик \_\_\_\_\_ (%). Ушбу шартномани имзолаш билан Қарз олувчи кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинадиган қарз олувчининг барча тўловлари ҳақида хабардор эканлигини тасдиқлайди.  
1.3. Қарз олувчи мазкур шартномада кўзда тутилган шартларда олинган пул суммасини қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.  
1.4. Олинган қарзни ҳисобга олиш учун Банк Қарз олувчига № 14921 \_\_\_\_\_ баланс рақамли ссуда ҳисобини очади.  
1.5. Қарз олувчи кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлаш тамойилларига, яъни муддатлилиқ, қайтаришлик, мақсадли характер, тўловлилиқ, таъминланганликка амал қилиш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома муддати

- 2.1. Шартноманинг амал қилиш муддати – Томонлар тарафидан мазкур Шартнома бўйича барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар.  
2.2. Охирги траншни узиш санаси – 20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_.

### III. Шартнома нархи

- 3.1. Қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олади:  
3.1.1. кредитдан фойдаланиш муддати доирасида (мазкур Шартнома билан шартланган 4.2-бандда кўрсатилган қарзни узиш муддатлари келгунича) – йиллик \_\_\_\_\_ %;  
3.1.2. мазкур Шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган кредитни қайтариш муддатлари бузилганида:

- Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати бузилган кундан бошлаб, кредитнинг муддати ўтган қарздорлигига нисбатан мазкур Шартноманинг 3.1.1. - бандида белгиланган фоиз устамаси 3 (уч) бараварга оширилган ҳолда ҳисобланади;
- Кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати бузилган кундан бошлаб кредитни қайтариш 90 (тўқсон) календарь кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилганда мазкур Шартноманинг 3.1.1. - бандида белгиланган ўрнатилган фоиз устамаси 3 (уч) бараварга оширилади ва кредит бўйича муддатли асосий қарз қолдигига нисбатан ҳисобланади.

3.2. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар Қарз олувчига тегишли ҳисобни тақдим этадиган Банк томонидан ҳисобланади.

3.3. Фоиз устамаси тури (кераклиги белгилансин):

- ўзгармас
- ўзгарувчи фоиз устамаси

3.4. Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (кераклиги белгилансин):

- дифференциал
- аннуитет

#### **IV. Ҳисоб-китоблар тартиби**

4.1. Банк мазкур Шартномада кўзда тутилган шартларда, кредитлаш мақсадида кўзда тутилган товарлар, (ишлар, хизматлар) ни тўлашга Қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган тўлов ҳужжатлари асосида ссуда ҳисобидан тўлаш йўли билан Қарз олувчига кредит тақдим этади. Тўлов қайси ҳужжатлар бўйича амалга оширилса, шу тўлов ҳужжатлари ва шартномалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ расмийлаштирилиши керак. Ушбу шартларга амал қилинмаганида, Банк тўловни рад этишга ҳақли. Шунингдек Банк тўлов қайси шартнома асосида амалга ошириладиган бўлса, шу шартномага қўшимчалар ва ўзгаришлар киритишни талаб қилиш хуқуқига эга.

4.2. Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизларни мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова қилинадиган Тўловлар жадвалига (1-Илова) мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан сўндиради. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар ўз вақтида тўланмаганида, Қарз олувчи кредит сўндирилишини таъминлайдиган чораларни қўриши шарт. Акс ҳолда, Банк кредитлашни тўхтатиш ҳамда кредит ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин ундириш хуқуқига эга.

4.3. Қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланганлик учун мазкур Шартноманинг 3-бўлимида белгиланган фоизларни ҳар ойда юқорида кўрсатилган жадвалга мувофиқ асосий қарзни сўндириш кунида тўлайди. Фоизлар ссуда ҳисобида акс этган тўловлар бўйича дебетлаш кунидан бошлаб ҳисобланади.

4.4. Агар фоизларни тўлаш ва асосий кредит суммасини сўндириш куни дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, унда тўлаш дам олиш ёки байрам кунларидан кейинги кунга кўчирилади.

4.5. Агар Қарз олувчи ссуда қарздорлигини мазкур Шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида сўндиримаса, Қарз олувчи мазкур Шартноманинг 3.1.2-бандига мувофиқ ссудадан фойдаланганлик учун фоизларни тўлайди.

4.6. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар йилдаги 365 кун ҳисобидан кредитнинг ҳақиқий қолдигига ҳисобланади.

4.7. Қарз олувчидан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўпроқ маблағ келиб тушса, у ҳолда Банк, Қарз олувчининг тегишли аризасига кўра, келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини Қарз олувчининг кредитининг асосий қарзини сўндиришга йўналтиради ҳамда кредит суммасини қайта ҳисблайди.

#### **V. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

##### **5.1. Банкнинг мажбуриятлари:**

5.1.1. Қарз олувчи томонидан молиялаштиришни очиш учун зарур бўлган барча шартлар бажарилган вақтдан бошлаб З иш куни ичida Қарз олувчига ушбу шартномада қайд этилган микдорда ва шартларда кредит бериш;

5.1.2. Қарз олувчига берилган кредит бўйича барча зарур ахборотни тақдим этиш;

5.1.3. Кафилга Банкнинг Қарз олувчига нисбатан талаб қилиш хуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи барча зарур хужжатларни бериш, шунингдек кафиллик шартномаси тузилган ва бажарилган тақдирда, ушбу талабни таъминлайдиган тегишли хуқуқларни бериш.

5.1.4. Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз устамаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), Қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда Банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, Қарз олувчига тақдим қиласди.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

## **5.2. «Қарз олувчи» нинг мажбуриятлари:**

5.2.1. Банкка хизматлар кўрсатиш (товар харид қилиш, ишларни бажариш) га шартнома тақдим этиш. Хизматлар кўрсатилганидан (товар харид қилинганидан, ишлар бажарилганидан) кейин Банкка хизматлар кўрсатилганини (товар харид қилинганини, ишлар бажарилганини) тасдиқловчи ҳисоб-фактурани 10 банк қуни ичида тақдим этиш;

5.2.2. Кредит бериладиган пайтга қадар Банкка таъминот тақдим этиш.

5.2.3. Олинган кредитни кредитни сўндириш жадвалида кўзда тутилган муддатларда сўндириш;

5.2.4. Кредитдан фойдаланганлик учун Банкка фоизларни ҳар ойда мазкур Шартномада кўзда тутилган миқдорда ва муддатларда тўлаш;

5.2.5. Банк томонидан кафиллик шартномаси тузилган тақдирда ва кафил томонидан Қарз олувчининг тўлов мажбуриятлари бажарилганида, 1 (бир) банк қуни ичида кафилга у томонидан бажарилган мажбуриятлар суммасини тўлаш;

5.2.6. Банк ходимларини, кафиллик шартномаси тузилган тақдирда эса Кафилнинг ходимларини ҳам кредитдан мақсадли фойдаланилаётганини текшириш учун ўз уйига ёки бошқа бинога киритиш;

5.2.7. Банкка 3 календарь қуни ичида яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ҳақида ҳамда Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа маълумотлар ва ҳолатлар ҳақида маълум қилиш.

5.2.8. Суғурта қилиш, гаров шартномасини нотариал расмийлаштириш, кафолат (кафиллик) олганлик учун кафолат (кафиллик)га тўлаш билан боғлиқ харажатлар қийматини тўлаш ва бошқалар.

5.2.9. Банкка Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобваракларидан, шунингдек бошқа ҳисобваракларидан (карта ҳисобваракларидан), агар мавжуд бўлса ёки келгусида очилса, кредит бўйича қарздорликни, шу жумладан асосий қарз, тўланиши талаб қилинган фоизлар ва пеня бўйича қарздорликни сўндиришга пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг чақириб олишсиз ва сўзсиз хуқуқини бериш.

5.2.10. Гаров шартномаси расмийлаштирилган тақдирда Банкнинг дастлабки сўровига кўра Банкнинг вакилларига гаровга қўйилган гаров предметининг амалдаги ҳолатини текшириш имкониятини таъминлаш.

5.2.11. Банк чақирувига кўра банк ҳудудида ёки Қарз олувчи яшаш манзилида банк вакиллари билан шахсан кўришиш.

## **5.3. Банк қўйидаги хуқуқларга эга:**

5.3.1. мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчининг молиявий ахволини ўрганиш ва Қарз олувчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш;

5.3.2. Исталган пайтда ва ўзи томонидан белгиланадиган шаклда кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлик бўйича Қарз олувчида ўрганиш ўтказиш;

5.3.3. Банкка мазкур Шартнома бўйича ўз талабларини қондириш учун зарур бўлган, картҳисоб(лар)да ҳисобга олинадиган Қарз олувчининг барча банклардаги ҳамма ҳисобларидан акцептсиз ва тортишувга ўрин қолдирмайдиган тартибда пул маблағларини ечиб олиш. Қарз олувчи эса ушбу билан Банкка ечиб олиш хуқуқини беради ва келгусида ҳеч қандай

эътиrozларга эга бўлмайди. Шу муносабат билан Қарз олувчи Қарз олувчининг Ўзбекистон Республикасининг исталган банкларида очилган барча ҳисобвараклари ва банк карталаридан Банкка тўланиши лозим бўлган суммаларни Банк томонидан автоматик тарзда ечиб олинишига розилик беради, автоматик ечишга Банкка топшириқ ва ваколат беради. Автоматик сўндириш хизмати Қарз олувчи кредит олган пайтдан бошлаб Банк томонидан фаоллаштирилади, Қарз олувчи эса Банкдан ушбу хизматни ихтиёрий равишда олишига розилик билдиради ва тасдиқлайди;

5.3.4. Ундирувни Қарз олувчининг бошқа мулкига қаратиш;

5.3.5. Қуйидаги ҳолларда қарзни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш:

- Қарз олувчи томонидан қарз ва/ёки у бўйича ҳисобланган фоизларни икки ва ундан ортиқ марта сўндириш муддатлари бузилганида;
- Қарз олувчи ссуда олиш мақсадида Банкка ссуда тақдим этиш хақида қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи ҳисобланган масалалар бўйича сохта ёки тўлик бўлмаган маълумотларни тақдим этгани аниқланганида;
- Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича бошқа мажбуриятлар бузилганида.

5.3.6. Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда, шунингдек гаров шартномаси тузилган тақдирда Банк қарздорликни гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобига суддан ташқари тартибда ундириб олишининг сўзсиз ҳукуқига эга бўлади.

5.3.7. Агар ушбу Шартномага биноан амал қилиши лозим бўлган сугурта шартномаси Қарз олувчи томонидан сугурта мукофотлари тўланмаслиги оқибатида исталган вақтда ва исталган сабабга кўра амал қилиш кучига эга бўлмаса, у ҳолда Банк шундан кейин ёки ушбу факт давом этаётган исталган вақт мобайнида ўз номидан Қарз олувчи учун бундай мукофотни тўлаб бериш ҳукуқига эга бўлиши (бироқ бундай мажбуриятларга эга эмас) ва Банк зарарни камайтириш учун мақсадга мувофиқ ёки зарур деб топган барча чораларни қўриши мумкин. Бунда Банк тўланган суммани Қарз олувчидан сўзсиз тартибда ундириб олиш ҳукуқига эга.

#### 5.4. Қарз олувчининг ҳукуқлари:

5.4.1. ссуда бўйича қарздорликни муддатидан олдин тўлик миқдорда ёки қисман сўндириш;

5.4.2. исталган вақтда Банкдан унга берилган кредит бўйича зарур ахборотни сўраш;

5.4.3. мазкур Шартнома тузилганидан кейин ва Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича кредит олингунга қадар кредит олишдан бепул асосда воз кечиш;

5.4.4. бирор-бир жаримани тўламасдан кредитни исталган вақтда муддатидан олдин сўндириш.

### VI. Кредит бўйича таъминот

6.1. 6.1. Мазкур Шартнома бўйича кредит қуйидаги билан таъминланади:

• \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

сўм, бу кредит суммасининг

% ни ташкил қиласди.

6.2. Қарз олувчи, кафиллик ва бошқа таъминот турлари мавжудлигидан қатъи назар, асосий қарз, фоизлар ва бошқа суммани мазкур Шартнома бўйича белгиланган муддатларда тўлай олмайдиган вазият юзага келганида, Банкка ундирувни гаровга қўйилган (гаров мавжуд бўлган тақдирда) ва бошқа мулкка қаратиш бўйича сўзсиз ҳукуқни тақдим этади.

6.3. Гаров таъминотини алмаштириш бунга Банкнинг розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилади. Қарз олувчи/гаровга қўювчи ташаббуси билан гаров таъминоти алмаштирилган тақдирда, Қарз олувчи гаров таъминотини алмаштириш учун тўланадиган воситачилик ҳақини гаров таъминотини алмаштириш пайтида амалда бўлган миқдорда Банкка тўлаш мажбуриятини олади.

### VII. Томонларнинг жавобгарлиги. Шартномани бекор қилиш

7.1. Айбдор томон мазкур Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажрилмагани ёки тегишли тарзда бажарилмагани билан етказилган заарларни жабрланган томонга қоплаши шарт.

7.2. Банк қуйидаги ҳолатларда мазкур шартномани суд тартибида бекор қилиш ва Қарз олувчидан ссуда қарздорлигини муддатидан олдин сўндириш ва ҳисобланган фоизларни тўлашни талаб қилиш хукукига эга:

а) Қарз олувчи асосий қарзни ва ҳисобланган фоизларни узиш муддатларини бузса ёки мазкур шартномадан келиб чиқадиган бошқа мажбуриятларни икки ва ундан ортиқ марта бажармаса;

б) Қарз олувчи ссуда маблағларидан ўз мақсадида фойдаланмаса, яъни Банкка кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги шартларга зид равища ёки улардан жиддий чекинишлар билан фойдаланилса;

в) ссуда маблағларини тўлиқ тўлашдан олдин ёки мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчининг молиявий ва мулкий ҳолати сезиларли даражада ёмонлашган бўлса;

г) Қарз олувчи ссуда олиш мақсадида Банкка ссуда тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилиши учун ҳал қилувчи ҳисобланган масалалар бўйича сохта ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этган бўлса;

д) мазкур Шартномада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.3. Қарз олувчи кредит ва у бўйича фоизларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши учун, шунингдек Қарз олувчи томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилмагани ёки тегишли тарзда бажарилмагани туфайли юзага келган Банкнинг қарзни ва бошқа заарларни ундириш бўйича суд харажатларини қоплаш учун ўзининг бор мулки билан Банк олдида жавоб беради.

7.4. Қарз олувчи Банкка Қарз олувчи томонидан қарз бўйича таъминотни сотиш ҳамда ундирувни Қарз олувчининг бошқа мулкига қаратиш бўйича сўзсиз хукукини тақдим этади.

7.5. Банкнинг айби билан кредит маблағларини бериш мажбурияти бажарилмаганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Банк 1 БҲМ миқдорида жарима тўлайди.

### **VIII.Форс-мажор ҳолатлари (ФМХ)**

8.1. Томонлардан ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун, агар бу бажармаганлик шартнома тузилганидан кейин юзага келган ҳамда уларни олдиндан кўра олиш ва оқилона чоралар билан олдини олишнинг имкони бўлмаган енгиб бўлмас куч ҳолатлари (сув тошқини, ёнгин, зилзила ва бошқа табиий оғатлар) туфайли келиб чиқсан бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

8.2. ФМХ таъсири қайси Томонда юзага келган бўлса, шу Томон бу ҳақда зудлик билан бошқа томонни хабардор қилиши шарт. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатлари енгиб бўлмас куч ҳолатлари (ФМХ) амал қиласидан вақтга мутаносиб муддатга кўчирилади.

### **IX. Бошқа шартлар**

9.1. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Қарз олувчи Банкка ўз фаолиятини юритиши, Банк томонидан мазкур Шартнома шартларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадларда Банк томонидан Қарз олувчининг ҳар қандай шахсий маълумотларига ишлов бериш ва улардан фойдаланишга муддатсиз розилигини тақдим этади.

9.2. Ушбу билан Қарз олувчи барча алоқа воситалари: почта тарқатмаси, СМС-тарқатма, овозли тарқатма, электрон хатлар тарқатмаси ва ҳ.к.дан фойдаланган ҳолда, аммо улар билан чекланмасдан бевосита алоқаларни амалга ошириш йўли билан Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини Банкдан олишга ўз розилигини билдиради.

9.3. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар Қарз олувчи томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Қарз олувчининг кредит тарихида мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида Қарз олувчи томонидан кредит ташкилотларидан кредит олиш имконияти пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

9.4. Қарз олувчи қуйидагиларни тан олади ва розилик беради:

- Суғурта натижасида қопланган зарап учун жавобгар бўлган Қарз олувчига нисбатан Банкнинг талаб қилиш хуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган сұғурталовчига ўтади;
- Банк Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни топшириши ва Суғурталовчига ўтган талаб қилиш хуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча маълумотлардан хабардор қилиши шарт.

9.5. Ушбу шартнома бўйича хабарномалар, эътирозномалар Қарз олувчига шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин.

9.6. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

9.7. Мазкур Шартнома бўлимларининг сарлавҳалари фақат ҳаволалар қулайлиги учун хизмат қиласи, улар Томонларнинг ниятларини аниқлаш ёки изоҳлаш учун мўлжалланмаган, шунингдек улар мазкур Шартнома бандлари ва мазмунини ўзгартирмайди ва уларга ҳеч қандай тарзда таъсир қилмайди.

9.8. Мазкур Шартнома Банк ва Қарз олувчи томонидан имзоланганидан кейин кучга киради ва Қарз олувчининг Банк ва/ёки кафил олдидағи мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қиласи.

9.9. Мазкур Шартнома ёки у муносабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиласидилар. Агар томонлар келишувга еришмаса, улар ўртасидаги низо Банк ихтиёрига кўра:

- ёки Банк (агар кредит Банк филиали томонидан берилган бўлса, Банк филиали) жойлашган манзил бўйича судда;

• ёки Ўзбекистон Республикаси ССП ёхуд Ўзбекистон Республикаси ССП Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги ҳакамлик судида ҳал этилади.

9.10. Шартнома шартларини ўзгаририш, уни узайтириш ёки келишилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиш ишлари Томонларнинг қўшимча ёзма келишуви бўйича амалга оширилади, мазкур Шартноманинг 7.2-бандида тилга олинган ҳолатлар бундан мустасно.

9.11. Мазкур Шартномага барча иловалар ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.12. Мазкур Шартнома икки нусхада, Банк ва Қарз олувчи учун бир донадан тузилди. Барча намуналар бир хил юридик кучга эга.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

<b>«Банк»:</b> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> лавозими	<b>«Қарз олувчи»:</b> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/>
Ф.И.Ш. _____	Ф.И.Ш. _____
Бош бухгалтер	
Ф.И.Ш. _____	